



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Ишлаб чиқаришда бухгалтерия
ҳисоби» кафедраси мудири

и.ф.и. дон., Г.Ж.Жумаева
«04» 06 2016 йил

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультетидекани

и.ф.и. дон., А.Ф.Хуррамов
«04» 06 2016 йил

Акциядорлик жамиятларида фойдани тақсимлаш ва рентабеллик
кўрсаткич-лари таҳлили

(Яккабоғ "Пахта тозалаш" АЖ мисолида)

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: «Молия» таълим

йўналиши битирувчиси

IV курс, 465 гуруҳ

таълимчи Кайумов М.И.

ИЛМИЙ РАҲБАР:

«Ишлаб чиқаришда бухгалтерия
ҳисоби» кафедраси катта ўқитувчиси

Бутунов Ш.Б.

Битирув малякавий иши кафедрада дастлабки ҳимодан ўтди.

17 сонли баённома «27» 05 2016 й.

ҚАРШИ-2016

КАФЕДРАСИ
«02» 06 2016 й
№ 7

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

1-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.

- 1.1. Акциядорлик жамиятлари фойдасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.
- 1.2. Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уни аниқлаш йуллари ва таҳлилнинг вазифалари.

2-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларининг таҳлили.

- 2.1. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили.
- 2.2. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ дафойдани ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили
- 2.3. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

3-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштириш

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

КИРИШ

БМИ мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб боришни тақозо этади. Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг иқтисодиётига ўта кескин таъсир кўрсатмоқда. Республикамизда инқироз оқибатларини бартараф қилиш учун барча хўжалик юритувчи субъектлар мустақил ва молиявий барқарор фаолият юритишлари керак. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиёт олдида қўйилган вазифалардан бири – бу уни самарадорлигини кўтаришдан иборатдир. Самарадорлик хўжалик субъектлари фаолиятининг фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ҳали бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур”¹. Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг юқори бўлишини таъминлаш учун уларни доимо таҳлил қилиб, керакли чора-тадбирларни амалга ошириб туриш лозим. Хўжалик субъектларининг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлашда фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида тадқиқотни долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. корхоналарда фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

БМИнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойданинг ўрни ва бажарадиган вазифаларини аниқлаш;
- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш;
- молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқиш;
- маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашнинг методологик асосларини тадқиқ этиш;
- асосий ва умумхўжалик фаолиятларидан келган фойдани аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солиқ тўлангунга қадар фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда ҳисоблаш усулларини кўрсатиб бериш;
- соф фойданинг таркиби ва ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш;
- эркин иқтисодиёт шароитида рентабеллик кўрсаткичлар тизими ва уни аниқлаш йўллари тадқиқ қилиш;
- корхонада рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиш;
- жами активлар рентабеллигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усулини тадқиқ қилиш;

¹ И. А.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2010. 18 б.

- сотилган маҳсулот рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

-хусусий капитал рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари тадқиқ қилиш;

- асосий фаолияти рентабеллиги даражаси ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари ишлаб чиқиш.

БМИнинг объекти ва предмети. БМИнинг объекти сифатида «Яккабоғ Пахта тозалаш» очик акциядорлик жамияти олинди.

БМИнинг предметикорхоналарда фойда ва рентабеллик кўрсаткичлар таҳлилининг ташкилий, ҳуқуқий, меъёрий жиҳатларини ўзида мужассамловчи иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат.

1-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

1.1. Акциядорлик жамиятлари фойдасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти

Ҳозирги шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида иқтисодий дастаклардан кенг кўламда фойдаланилади. Буларга фойда, баҳо, рентабеллик кўрсаткичлари, солиқ, кредит, дивидендлар киради. Ушбу иқтисодий дастаклар ичида фойда иқтисодий манфаатларни уйғунлаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи энг муҳим мезондир.

Иқтисодий манфаатлар иқтисодий тоифа бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этувчиларнинг ўзаро ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттиради. Ҳар қандай ишлаб чиқариш усулининг ишлаб чиқариш муносабатлари ўта мураккаб тизимдан иборат. Шу сабабли, иқтисодий манфаатлар ҳам маълум тизим сифатида намоён бўлади. Иқтисодий манфаатлар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

- 1) турли ижтимоий гуруҳлар ва жамиятнинг кенг табақалари манфаатлари;
- 2) миллий ва байналмилал манфаатлар;
- 3) макроиқтисодий ва микроиқтисодий манфаатлар, масалан, мамлакатнинг маъмурий-хўжалик жиҳатидан бўлинишига асосан (республика, вилоятлар, туманлар);
- 4) жорий ва истикболдаги манфаатлар;
- 5) ишлаб чиқариш, иш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўзаро манфаатлари;
- 6) ижтимоий, жамоа ва шахсий манфаатлар.

Сўнгги иқтисодий манфаатлар тизимининг жамиятда тутган ўрни ўта муҳимдир. Шу сабабли ишда уларнинг тавсифига асосий эътиборни қаратиш-га ҳаракат қилинди.

Ижтимоий манфаатлар бутун жамият манфаатлари йиғиндиси сифатида қуйидагиларда намоён бўлади:

- жамиятнинг жами эҳтиёжларини қондириш;
- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз тарзда ошириш;
- жамиятнинг барча аъзоларини ҳар томонлама камолотга эришиши.

Жамоа манфаатлари – бу мақсад, фаолият ва манфаатларнинг умумийлиги билан бирлашган кишилар гуруҳидир. Шу боис, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, акционер жамиятлари ва фирмалар меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаатларини кўрсатиш мумкин.

Жамоа манфаатлари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ишлаб чиқариш ва молиявий режаларни ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш;
- жамоанинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш (ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, такрор ишлаб чиқариш фондларини ташкил этиш).

Шахсий манфаат ҳар бир ходимнинг моддий эҳтиёжларини қондиришни ифодалайди. Шахсий манфаатлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- ходимнинг ўз билими ва мутахассислигига кўра кўрсатаётган фаолиятдан мамнунлиги;
- бутун иш куни давомида унумли меҳнат қилиш; шахсий манфаатнинг жамоа манфаатлари билан ўзаро муштарақлигига асосланган дўстона ҳамкорликка эришиш;
- меҳнат натижаларига асосан ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш;
- ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол иштирок этиш.

Мулкий муносабатлар ушбу иқтисодий манфаатларни бир бутун ҳалқа сифатида бир-бири билан боғлайди. Иқтисодий манфаатлар муштарақлиги диалектик тарзда намоён бўлиб, тафовутли ва қарама-қарши манфаатлардан иборат.

Ижтимоий, жамоа ва шахсий манфаатларнинг ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқлиги қуйидаги тамойилда ўз ифодасини топади, яъни: «нима жамиятга фойдали бўлса, корхона жамоасига ва ҳар бир ходимга ҳам фойдали бўлиши керак ва аксинча».

Режали иқтисодиёт шароитида мазкур тамойил иқтисодий шиор сифатида қабул қилинган бўлса ҳам, унга амал қилинмас эди. Масалан, корхона жамоалари ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлашдан етарли даражада манфаатдор эмас эдилар. Корхона жамоалари асосан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ифодаловчи ҳажм кўрсаткичлари (ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, товар айланмаси кабилар)ни кўпайтиришдан кўпроқ, маҳсулот сифати, унинг рақобатдошлиги, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишдан камроқ манфаатдор эдилар. Зеро, директив тарздаги режалаштириш тизими ва рағбатлантириш тамойиллари маҳсулот ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, талаб ва таклифга биноан маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), маҳсулот ассортиментини тезда янгилашга, хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари кўллаш ва шулар асосида фойда ва рентабеллик даражасини оширишга имкон бермас эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги боис ҳар бир хўжалик юритувчи субъект кўпроқ фойда олишга интилади. Бинобарин, фойда миқдорида жамиятнинг, корхона жамоасининг ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари ўз ифодасини топади. Шу боис, фойда иқтисодий тоифа бўлиб, ўзида ишлаб чиқариш ва тақсимот орқали товар-пул муносабатларини акс эттиради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, мулк эгасида ҳар бир ходимни шунча кўп рағбатлантириш, корхонани ҳар томонлама кенгайтириш, такрор ишлаб чиқариш фондлари маблағини кўпайтириш имконияти туғилади. Бундан жамият ҳам манфаатдор, зеро корхонанинг олган фойдаси қанча кўп бўлса, фойдадан давлат бюджетига тўланадиган солиқ ҳам шунча кўп бўлади.

Жамият, корхона жамоаси ва ҳар бир ходим манфаатларининг муштараклиги фойдани тақсимлаш ва унинг ҳисобидан такрор ишлаб чиқариш фондларини ташкил этиш орқали намоён бўлади. Фойдани тақсимлашда манфаатлар муштараклигини таъминлаш тамойилига амал қилинмаслик ёки ишлаб чиқаришнинг объектив қонун ва қоидаларини назардан четда қолдириш, сўзсиз мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини кескин тусда пасайишига ва охир-оқибат жамиятни сиёсий ва иқтисодий таназзулга олиб келади.

Маълумки, товар ва хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча қиймат эса фойдага айланади. Демак, фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қийматдир. Маълумки, фойда ишлаб чиқариш соҳасида яратилади. Лекин, у ўзининг махсус иқтисодий шаклини муомала соҳасида олади. Фикримизча, фойда бу яъна, муомала соҳаси тоифасидир, зеро усиз реал (ҳақиқий) фойдани олиш мушкул.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бир томондан истеъмол қиймати яратиш, иккинчи томондан, моддий воситалар ва меҳнатнинг сарфланиши натижасида янги қийматнинг ўсиш жараёни ҳисобланади. Шу боис, меҳнат маҳсули ҳам икки хил хусусиятга эга: истеъмол қийматига, яъни маълум бир фойдалиликка ва қийматга эга бўлиб, жонли ҳамда буюмлашган меҳнат сарфининг маълум миқдорини ўзида мужассамлаштиради. Бу товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг ўзаро боғлиқ ва доимо бир-бирини тақозо қиладиган икки томонидир. Шу сабабли, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни доимо фойдалилик, яъни истеъмол қийматини яратиш, кўпайтириш ва қийматларнинг ўсиш жараёни ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш иш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширган ҳолда, кишилар эҳтиёжини қондиришга зарур бўлган миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйилиши, унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш фақат жамият, меҳнат жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатларини муштараклигини таъминлаган ҳолдагина амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойдани тақсимлашда иқтисодий жиҳатдан асосланган тартибни қўллаш авваламбор, унинг бажарадиган функцияларини чуқур ва ҳар томонлама билишга боғлиқ. Фойданинг бажарадиган функциялари хусусида қатор етук иқтисодчи олимлар етарли даражада тадқиқотлар ўтказганлар. Хусусан, А.Ф.Шишкин¹ фойда бажарадиган учта функцияни кўрсатиб ўтган:

1) хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини баҳоловчи кўрсаткич сифатидаги функция. Лекин у фойдани хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятини баҳоловчи универсал кўрсаткич эмас, деб таъкидлайди. Фойда кўп омилли тоифа сирасига кирганлиги сабабли, фойда билан бир қаторда ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи сотилган маҳсулот ҳажми, товар айланмаси, меҳнат унумдорлиги, капитал самараси, материал сиғими, аванслаштирилган капиталнинг айланиш тезлигини жадаллаштириш каби кўрсаткичлардан фойдаланишни тавсия этади;

2) фойданинг тақсимлаш функцияси. Бунда фойда қўшимча маҳсулотни давлат ва корхона, корхона ва унинг ходимлари ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида қайта тақсимлашда молиявий дастак вазифасини ўтайди;

3) фойданинг рағбатлантириш функцияси. У корхоналар ва ҳар бир ходимни моддий рағбатлантиришга қаратилган.

Маълумки, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш (фойда олиш) ҳар қандай иқтисодий формациянинг муҳим иқтисодий ва пировард натижаси ҳисобланади, зеро уни яратмасдан туриб ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда кўпгина ижтимоий, иқтисодий вазифаларни амалга ошириш имкони бўлмайди. Шу сабабли жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналарнинг ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади.

Фойда синтетик баҳоловчи кўрсаткич бўлганлиги боис, унинг ўзгаришига кўпгина ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, саноат корхоналарида маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги тўрт омил таъсир кўрсатади :

- маҳсулотни сотиш баҳосининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот ассортименти ва таркибининг ўзгариши.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади фойда олишга қаратилганлиги сабабли, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект турли йўл билан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилади. Аксарият саноат корхоналари фойдани асосан товарларни сотиш баҳосини кескин тарзда ошириш, маҳсулот ассортименти ва таркибини ўзгартириш ҳисобига олишга интиладилар.

Режали иқтисодиёт шароитида фойданинг тақсимловчи функцияси асосан икки йўналишда ўз ифодасини топган эди:

- давлат бюджетига тушадиган фойда улушини ошириш;
- корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушини камайтириш.

Корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушининг камайиши эвазига уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бериладиган бюджет маблағлари миқдори оширилар эди. Табиийки, фойдани тақсимлашдаги бундай тартиб натижасида унинг тақсимловчи функцияси бирёқлама вазифани ўтар эди.

Амалда фойданинг тақсимловчи функцияси асосан жамият манфаатларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, корхона жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олмас эди. Натижада, жамият ва корхона жамоасининг иқтисодий манфаатлари муштараклиги тамойилига зарар етказилар эди. Энди эса вазият тубдан ўзгарди. Давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий тадбирлар учун


¹Шишкин А.Ф. «Экономическая теория.». - М.: Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС. 1996. -108 с.

молиявий таъминоти тугаб бормокда. Шу боис, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак. Лекин шундай бўлсада, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улушининг камайишини кузатиш мумкин.

Фойда олиш ҳар қандай меҳнат жараёнининг натижаси ҳисобланади. Шу боис жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналар ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, шаклла-ниши ва тақсимланиши хусусида ўз ечимини кутаётган муоммолар талайгина. Шулардан келиб чиққан ҳолда, мазкур ишнинг навбатдаги бўлими айнан молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўлларини такомиллаштиришга бағишланди.

1.2. Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уни аниқлаш йўллари ва таҳлилнинг вазифалари.


Хўжалик юритувчи субъектларда фойда ва рентабеллик бу кенг қамровли тушунчадир. Уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама асосланган хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, аввало, уларни илмий жиҳатдан таснифлаш керак. Иқтисодий таҳлилда кўрсаткичлар ғоят кўп белгилар билан таснифланади. Чунончи, иқтисодий кўрсаткичларни иқтисодий мазмуни, фойдаланиш даражаси, ифодаланиш шакли, умумлаштириш даражаси, хўжалик фаолиятининг бўғинлари ва шаклланиш ҳолати бўйича каби белгилар бўйича таснифлаш қабул қилинган. Бу ўринда биз молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифини ҳавола қилиш билан чекланамиз, зеро кўрсаткичларни ушбу белги бўйича таснифлаш тегишли хулоса чиқариш учун етарли бўлади. Ушбу **кўрсаткичлар таснифи қуйидаги расмда кўрсатилган, (1.1-расм).**



1. 1-расм. Молиявий натижалар шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи

1. 1-расмдан кўринишича, молиявий натижаларнинг шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бир қанча. Бинобарин, уларнинг ҳар бири маълум миқдорга эга бўлиши ва таҳлил қилинаётган тоифанинг у ёки бу жиҳатини ифодалаши керак. Бу ҳолат аниқ ахборотлардан фойдаланишни тақозо этади.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни ҳисоб-китоб усуллари ишлаб чиқишдан иборат. XXI аср бўсағасида бу борада тадқиқот олиб борган И.Т. Абдукаримов², Э.А. Акрамов³, М.И. Баканов⁴, И.О. Волжин⁵, М.Қ. Пардаев⁶, А.Д.Шеремет⁷ ва бошқалар фойда ва рентабелликни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткичнинг аниқлашнинг назарий жиҳатдан асосланган услубларини кўрсатиб берганлар ва улар бир-бирига боғлиқ.(1.2-расм).



1.2-расм. Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни бир-бирига боғлиқлиги

Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилин ёритишдан иборат. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги...” Низомга асосан корхонанинг даромади қуйидагилардан иборат:

- 1.Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум.
- 2.Корхонанинг асосий фаолиятидан келган бошқа даромадлар.
- 3.Молиявий фаолиятдан келган даромад
- 4.Тасодифий даромадлар.

Бу тарзда даромадларни бўлиниши корхонанинг хўжалик фаолиятига ҳолис баҳо учун имконият беради.

I.Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум.

1.1. Сотишдан олинган соф тушум = маҳсулотни сотишдан олинган ялпи тушум-қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз солиғи, қайтиб келган товарлар, харидорларга берилган имтиёзлар ва бошқалар.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ҳаракатдаги қонунда кўзда тутилган тартиб фойдани ҳисоблайди.

1.3.Маҳсулотни сотишдан олинган тушум «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги» Низомга мувофиқ аниқланади.

II. Асосий фаолиятидан олинган бошқа даромадлар.

Даромадларнинг бу моддалари “Бошқа операцион даромадлар ва киримлар” бўйича акс эттирилади.

² Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. 138 б.

³Акрамов Э.А. «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили». –Т.: Молия. 2003. 152 б.

⁴Баканов Б.И. «Экономический анализ в торговле». –М.: Эконмика. 2007. 180 б.

⁵Волжин И.О. «Молиявий таҳлил». –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 105 б.

⁶Пардаев М.Қ, Исроилов Б.И. «Иқтисодий таҳлил». -Т.: Мехнат. 2004. 67 б.

⁷Шеремет А.Д., Негашев Е.В. «Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций». – М.: ИНФРА-М. 2004. 39 б.

Буларга куйдагилар киради.

2.1.Хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун тўланадиган жарима, ўсим ва бошқалар ҳамда зарарларни қоплаш юзасидан даромадлар.

2.2.Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари.

2.3.Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган операциялардан олинadиган бошқа даромадлар, масалан, рента даромади, корхона ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинadиган даромадлар.

2.4.Корхона асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан олинadиган даромад.

2.5.Тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини тегишли сўётга ёзишдан олинadиган даромад.

2.6.Бошқа операциялар даромадлар.

III.Молиявий фаолиятдан олинadиган даромад.

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар куйдаги асосий бўлимлар бўйича акс этирилади:

3.1.Уюшма компаниялар ва шўба корхоналаридан олинadиган даромадлар.

3.2.Бошқа олинadиган дивидендлар.

3.3.Шўба ва уюшма корхоналарига берилган қарзлар бўйича фоизлар.

3.4.Олинган бошқа фоизлар.

3.5.Чет эл валюталари ва операциялари ва валюта сўётлари бўйича ижобий курс фарқлари.

3.6.Сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан олинadиган фойда.

Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадга куйдагилар киради:

1.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улуши билан қатнашишдан олинadиган даромадлар; корхонага қарашли акция дивидендлари.

2.Узоқ муддатли ижарага берилган мулкдан олинadиган даромад.

3.Валюта сўётлар ва валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқлари.

4.Қимматли қоғозлар, шўба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинadиган фойда.

5.Молиявий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар.

IV.Тасодиқий фойда.

Фавкулотда фойда моддалари – бу олинishi кутилмаган, корхона фаолиятдан ташқаридаги ҳолатлар ва муаммолар оқибатида олинган ғайри оддий хусусиятга эга фойдадир. Бунга асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар бўлимида кўрсатиладиган ўтган даврларидаги даромадлари ва фойда кирмайди.

Корхонанинг соф фойдаси молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги» Низомга кўра куйидаги оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак:

1.Ялпи фойда = Соф тушум – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

2.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойда (зарар) = ялпи фойда - давр харажатлари ± асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат).

3.Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар)= асосий фаолиятдан олинган фойда + олинган дивидендлар + бошқа олинган дивидендлар ± олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар ± бошқа олинган ва тўланган фоизлар ± валюта курси фарқи ± молиявий фаолият бўйича бошқа даромад (харажат).

4.Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар)= умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ± фавкулотдаги фойда (зарар).

5.Соф фойда (зарар) = солиқ тўлагунга қадар фойда - фойдадан солиқ - бошқа солиқлар ва ажратмалар.

Фойда олиш ҳар қандай меҳнат жараёнининг натижаси ҳисобланади. Шу боис жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналар ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади

Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили молиявий таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқлашидаги ҳолатга ҳам баҳо берилади. Молиявий натижаларни таҳлил қилишда фойда ва зарарнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора ва тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларига умумий изоҳ берилади.

Вертикал таҳлилда молиявий натижаларнинг шаклланишини бир қаторли ва кўп қаторли усулларда ўзаро фарқланишларга ва нисбий ўзгаришларга баҳо берилади.

Горизонтал таҳлилда эса молиявий натижаларнинг бўйламасига тартибланиши ва уларнинг ўзгаришлари ўрганилади.

Асосли ёки тренд таҳлилда молиявий натижалар ва уларнинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси ёки асос йилига нисбатан ўзгаришларига баҳо берилади.

Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

- корхонанинг ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш;
- асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- умумхўжалик фаолиятдан келган фойда фойдани ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солиқ тўлангунга қадар фойда ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили;
- соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омилларни ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик резервларини аниқлаш;
- корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиш ва уларга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш;
- корхонанинг рентабеллик даражасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда асосий ахборот манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сонли Йўриқномаси асосида белгиланган 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан фойдаланилади. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (2-шакл) маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) жараёнининг якуний маҳсули бўлиб, у ички ва ташқи фойдаланувчилар учун тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида корхонанинг «Бухгалтерия баланси», «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома», «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот», «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот», «Молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома» каби ҳисоботлари маълумотлари ва ҳисоб-китоблари қўлланилади.

II-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларининг таҳлили.

2.1. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига баҳо беришда кўп сонли сифат кўрсаткичлари қулланилади, шулар жумласига маҳсулот таннархи ҳам киради.

Таннарх деб, маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни пул шаклида ифодаланишига айтилади. Хўжалик фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан таннарх даражасига боғлиқ бўлади, яъни таннархнинг камайиши фойданинг кўпайишига, оқибатда ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ва молиявий ҳолатни мустақамланишига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам таннархни ўрганиш бўйича таҳлилни самарали ташкил қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Маҳсулот таннархи таҳлили қуйидаги ахборот манбалари асосида амалга оширилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича харажатлар тўғрисидаги статистик ҳисобот (5-с шакли);
- товар маҳсулотининг таннархи тўғрисидаги ҳисобот;
- * муҳим маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари бўйича тузилган ҳақиқий ва режали калкуляция маълумотлари;
- саноат маҳсулотларини сотиш тўғрисидаги ҳисобот (25-шакл);
- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари.

Маҳсулот таннархининг умумий ҳажми ишлаб чиқариш харажатлари тариқасида намоён бўлади. Таҳлилда уларни камайитириш йўллари аниқлаш биринчи ўринга қўйилди.

Таҳлилда ишлаб чиқариш харажатларини режага ва базис йилга нисбатан ўсиб кетишнинг сабаблари аниқланади. Таҳлил ҳисобот йилида у ёки бу маҳсулот учун сарф бўлган ишлаб чиқариш харажатлари суммасига солиштириб, ўзгаришини аниқлашдан бошланади. Буни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\sum Q_1 Z_1 - \sum Q_0 Z_0 = + \Delta QZ,$$

бу ерда, Q_1 , Q_0 -мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларида етиштирилган саноат маҳсулоти миқдори; Z_1 , Z_0 -мос ҳолда ҳисобот ва базис йилларда бир бирлик маҳсулот учун сарфланган харажатлар даражаси. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми бевосита икки омил ҳисобига содир бўлади:

- 1) Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ҳисобига;
- 2) Бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажатлар даражасининг ўзгариши ҳисобига.

Ўшбу омилларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини “кўрсаткичлар фарқи”, “индекс” ва “занжирли боғланиш” усулларида фойдаланиб аниқлаш мумкин. Мен бу ерда “кўрсаткичлар фарқи” усули бўйича омиллар таъсирини татибини келтирмоқчиман.

1-Омил. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори ўзгариши ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан унинг базис йилидаги (ёки режалаштирилган) миқдори орасидаги фарқни базис йилда (ёки режалаштирилган) бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажат даражасига кўпайтирмоқ керак:

$$(Q_1 - Q_0) * Z_0 = + \Delta Q,$$

2-Омил. “Бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажатлар даражаси” ўзгаришининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун ҳисобот йилида бир бирлик маҳсулот учун сарф бўлган харажат суммаси билан

унинг базис йилдаги суммаси орасидаги фарқни ҳисобот йилида етиштирилган маҳсулот миқдорига кўпайтириш керак:

$$(Z_1 - Z_0) \cdot Q_1 = + \Delta Z.$$

Ушбу икки омил таъсирининг йиғиндиси ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

$$\Delta Q + \Delta Z = \Delta QZ.$$

Шундан кейин ҳар бир омилнинг таъсирига баҳо бериб, хулоса қилинади.

Юқори келтирилган “Кўрсаткичлар фарқи” усули қоидаларига амал қилиб, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ мисолида пахта толасини ишлаб чиқариш харажатларини ҳажмининг ўзгаришини омилли таҳлилини 1-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқмоқчиман.

**Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ мисолида пахта толасини ишлаб чиқариш харажатлари режаси бажарилишининг қайднома таҳлили
(2015 йил).**

2.1-жадвал

Нав- лар	Пахта толаси тн			1 тонна харажатлари , сўм			Ишлаб чиқариш харажатлари , минг сўм.		
	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Фарқи (+, -)	Режа бўйича	Ҳақиқийс и	Фарқи (+, -)	Режа бўйича	Ҳақиқийси	Фарқи (+, -)
	Q_0	Q_1	$Q_1 - Q_0$	Z_0	Z_1	$Z_1 - Z_0$	$Q_0 Z_0$	$Q_1 Z_1$	$Q_1 Z_1 - Q_0 Z_0$
1.	13500	13794	+294	1195,5	1407,3	+211,8	16139250	19412296,2	+3273046,2
2.	5500	6105	+605	1081,5	1304,8	+223,3	5948250	7965804	+2017554
3.	1200	1211	+11	1001,4	1218,9	+217,5	1201680	1476087,9	+274407,9
4.	1200	518	-682	962,8	1141,4	+178,6	1155360	591245,2	-564114,8
5.	600	212	-388	336,7	405,5	+68,8	202020	85966	-116054
Жам и	22000	21840	-160	1184,5	1438,8	+254,3	24646560	29531399,3	+4884839,3

1-жадвалдан кўриниб турибдики, 2015 йилда ишлаб чиқарилган пахта толасининг жами ишлаб чиқариш харажатлари суммаси режага нисбатан 4884839,3 минг сўмга ёки 19,8 % га ошган. яъни:

$\sum Q_1 Z_1 - \sum Q_0 Z_0 = 29531399,3 - 24646560 = 4884839,3$ минг сўмга ёки 19,8 % га ошган:

Ушбу ўзгариш икки омил ҳисобига содир бўлган, шундан экстенсив омил харажат ҳажмининг ўсишига, интенсив омил унинг камайишига сабабчи бўлган.

Ишлаб чиқарилган пахта толаси миқдори режага нисбатан 160 тоннага камайган, бу эса ишлаб чиқариш харажати ҳажмини 189520,0 минг сўмга камайишига олиб келган:

$$\sum (Q_1 - Q_0) * Z_0 = (21840 - 22000) * 1184,5 = -189520,0 \text{ минг сўм.}$$

1 тонна пахта толаси харажатлари режага нисбатан +254,3 сўмга ошганлиги, натижасида, шу омил ҳисобига пахта толаси ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ҳажми 5553912,0 минг сўмга ошган.

$$\sum (Z_1 - Z_0) * Q_1 = (1438,8 - 1184,5) * 21840 = +5553912,0 \text{ минг сўм.}$$

Омилли таҳлил натижаларни 2-жадвалда акс эттирилди.

Пахта толаси таннархининг режага нисбатан ўзгаришининг омилли таҳлили (2015 йил)

2. 2-жадвал

т/р	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳақиқий бажарилиш	Ўзгариш (+, -)
1.	Ишлаб чиқарилган пахта толаси, тонна	22000	21840	-160
2.	1 тонна пахта толасининг таннархи, сўм	1184,5	1438,8	+254,3
3.	Жами ишлаб чиқариш харажатлари сўм	24646560	29531399,3	+4884839,3
Шу жумладан, умумий харажат ўзгаришига омилларнинг таъсири				
	1). Пахта толаси миқдорининг ўзгариши ҳисобига, $(Q_1 - Q_0) * Z_0$	X	X	-189520,0
	2) 1 тонна тола таннархининг ўзгариши ҳисобига, $(Z_1 - Z_0) * Q_1$	X	X	+5553912,0

2-жадвалдан кўриниб турибдики, жами харажат ҳажми +4884839,3 минг сўмга ошган.

Бу асосан, ишлаб чиқарилган пахта толасининг ошиши ҳисобига содир бўлган. Буни ортқча харажат бўлган деб ҳисоблаш мумкин эмас, аксинча харажат ҳажми кескин камайган. Таннарх ошганлиги натижасида, харажат ҳажми 5553912,0 минг сўмга ошган.

Бир сўмлик товар маҳсулотига бўлган харажат таннарх билан фойда орасидаги боғлиқликни аниқ кўрсатади. Маҳсулотларни етиштириш учун кетган харажатлар жами суммасини шу маҳсулотларнинг улгуржи баҳо бўйича ҳисобланган ҳажмига бўлиш орқали бир сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажат суммаси аниқланади:

$$1 \text{ TMX} = \sum Q Z / \sum Q P, \text{ бу ерда, } 1 \text{ TMX} - \text{бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари;}$$

Q-ишлаб чиқарилган натурал маҳсулот миқдори; Z- бир бирлик маҳсулотнинг таннархи; P-бир бирлик маҳсулотнинг улгуржи баҳоси.

1 сўмлик товар маҳсулотининг харажатлари кўрсаткичи маҳсулот таннархи динамикасини ўрганишда кенг қулланилади. Ушбу кўрсаткич нафақат хўжалик ичидаги таҳлилда, ҳатто хўжаликлараро таққослама таҳлилда ҳам қулланилади. Таҳлил ҳисобот йилидаги бир сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажатдан базис йилида бир сўмлик товар маҳсулотига сарф бўлган харажатни чегириб, фарқи (ўзгариши) ни аниқлашдан бошланади:

$$(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1) - (\sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0) = + \Delta Q P Z$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, бир сўмлик товар маҳсулоти харажати даражасининг ўзгариши қуйидаги 3 омил ҳисобига юзага келади:

- товар маҳсулотининг ҳажми ва таркибий тузилишининг ўзгариши ҳисобига;
- маҳсулот таннархининг ўзгариши ҳисобига;
- маҳсулот улгуржи баҳосининг ўзгариши ҳисобига.

Харажат даражасининг ўзгаришига ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун “занжирли боғланиш” усули қулланилади. Омилларнинг таъсири аниқлашга қадар қуйидаги тўрт боғланиш кўрсаткичи аниқлаб олинади :

$$1. \text{ } 1 \text{ TMX}_0 = \sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0.$$

$$2. \text{ } 1 \text{ TMX}_{\text{SH1}} = \sum Q_1 Z_0 / \sum Q_1 P_0.$$

$$3. \text{ } 1 \text{ TMX}_{\text{SH2}} = \sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_0.$$

$$4. \text{ } 1 \text{ TMX}_1 = \sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1.$$

Ушбу боғланиш кўрсаткичлари асосида бир сўмлик товар маҳсулоти харажатларининг ўзгариши ва унда омилларнинг таъсири аниқланади.

Ҳисобот йилидаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажати даражасидан (IV боғланишдан) базис йилидаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажати (I боғланиш)ни чегириш орқали умумий ўзгариш аниқланади :

$$(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1) - (\sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0) = + \Delta QZP$$

Бир сўмлик товар маҳсулотининг биринчи шартли харажатидан (II боғланишдан) базис йилидаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажатини (I боғланиш)ни айтириш орқали таъсири аниқланади:

$$(\sum Q_1 Z_0 / \sum Q_1 P_0) - (\sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0) = + \Delta Q$$

Жами маҳсулот ичида бир сўмлик товар маҳсулоти даражаси паст бўлган маҳсулот турлари (навлар)нинг салмоғи юқори бўлса, бир сўмлик товар маҳсулоти харажати режага ёки базис йилига нисбатан камаяди, агар акси бўлса, ошади. Маҳсулот таннархи ўзгаришининг бир сўмлик товар маҳсулоти харажатининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун иккинчи шартли харажат суммасидан (III боғланишдан) биринчи шартли харажат суммаси (II боғланиш)ни чегириб ташлаш керак:

$$(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1) - (\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_0) = + \Delta P$$

Баҳо ўзгариши харажат суммасининг ўзгариши билвосита таъсир қилади.

Баҳо ўзгариши харажат суммасининг ўзгариши билвосита таъсир қилади. Агар улгуржи баҳо даражаси пасайса, бир сўмлик товар маҳсулоти харажати ошади ва аксинча, баҳо ошса, пасаяди. Энди, юқорида баён қилинган “занжирли боғланиш” усули қондасига амал қилиб, **Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ** мисолида етиштирилган пахта толаси бўйича бир сўмлик товар маҳсулоти харажати динамикасининг таҳлилини кўриб чиқамиз. Бунинг учун 3-жадвал маълумотларидан фойдаланишимиз мумкин.

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да бир сўмлик пахта толаси товар маҳсулоти харажати учун зараур бўлган маълумотлар

2.3-жадвал

Пахта толаси навлари	Пахта толаси миқдори , т		1 тонна таннархи, минг сўм.		1 тонна баҳоси, минг сўм.		Жами таннарх , минг сўм.			Жами қиймати , минг сўм.		
	2013 йил Q_0	2014 йил Q_1	2013 йил Z_0	2014 йил Z_1	2013 йил P_0	2014 йил P_1	Q_0Z_0	Q_1Z_0	Q_1Z_1	Q_0P_0	Q_1P_0	Q_1P_1
1.	17410	13794	1195,5	1407,3	1305,9	1548,1	2081365 5	16490727	194122 96,2	22735719	18013584,6	21354 491,4
2.	3794	6105	1081,5	1304,8	1243,7	1474,4	4103211	6602557, 5	796580 4	4718597, 8	7592788,5	90012 12
3.	592	1211	1001,4	1218,9	1151,6	1365,2	592828,8	1212695, 4	147608 7,9	681747,2	1394587,6	16532 57,2
4.	403	518	962,8	1141,4	1107,3	1312,7	388008,4	498730,4	591245 ,2	446241,9	573581,4	67997 8,6
5.	29	212	336,7	405,5	444,7	527,2	9764,3	71380,4	85966	12896,3	94276,4	11176 6,4
Жами	22228	21840	1184,5	1438,8	1278,8	1486,2	2590746 7,5	24876090 ,7	295313 99,3	28595202 ,2	27668818,5	32800 705,6

2.3-жадвал маълумотлари асосида, бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари ҳисоблаб олинади:

Базис даврдаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари

$$1 \text{ TMX}_0 = \sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0 = 25907467,5 / 28595202,2 = 0,906 \text{ ёки } 90,6 \text{ тийин.}$$

Ҳисобот йилидаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари

$$1 \text{ TMX}_0 = \sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1 = 29531399,3 / 32800705,6 = 0,900 \text{ ёки } 90 \text{ тийин.}$$

Ҳисобот йилидаги бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари базис йилда нисбатан 0,6 тийинга камайган ($90,0 - 90,6 = -0,6$ тийин.) Ушбу ўзгаришга уч омил таъсир қилган.

1-омил. “Товар маҳсулоти ҳажми ва структураси ўзгариши” нинг таъсири:

$$\left(\sum Q_1 Z_0 / \sum Q_1 P_0 \right) - \left(\sum Q_0 Z_0 / \sum Q_0 P_0 \right) = 24876090,7 / 27668818,5 - 25907467,5 / 28595202,2 = 0,899 - 0,906 = -0,007 \text{ ёки } 0,7 \text{ тийин.}$$

Демак, ҳисобот йилида ётиштирилган пахта толаси таркибий тузилишида 5 – навнинг салмоғи ошиши натижасида бир сўмлик товар маҳсулоти харажати 0,7 тийинга камайган.

2-омил. “Маҳсулот таннархи ўзгариши” нинг таъсири:

$$\left(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_0 \right) - \left(\sum Q_1 Z_0 / \sum Q_1 P_0 \right) = 29531399,3 / 27668818,5 - 24876090,7 / 27668818,5 = 1,067 - 0,899 = 0,168 \text{ ёки } 16,8 \text{ тийин.}$$

Демак, бир тонна пахта толасининг таннархи ҳисобот йилида базис йилдагига нисбатан 254,3 минг сўмга ($1438,8 - 1184,5 = +254,3$ минг сўм) ошиши оқибатида бир сўмлик товар маҳсулоти харажати 16,8 тийинга ошган.

3-омил. Улгуржи баҳоларнинг ўзгаришининг таъсири:

$$\left(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_1 \right) - \left(\sum Q_1 Z_1 / \sum Q_1 P_0 \right) = 29531399,3 / 32800705,6 - 29531399,3 / 27668818,5 = 0,900 - 1,067 = -0,167 \text{ ёки } -16,7 \text{ тийин.}$$

Демак, бир тонна пахта толасининг улгуржи баҳоси 2014 йилда 2013 йилдагига нисбатан +207,4 ($1486,2 - 1278,8 = +207,4$) минг сўмга ошган, натижада, шу омил ҳисобига 1 сўмлик товар маҳсулоти харажати 16,7 тийинга камайган.

Ушбу омиллар таъсирлари йиғиндиси бир сўмлик товар маҳсулоти харажатининг умумий ўзгаришига тенг келиши керак:

1. Маҳсулот ҳажми ва структураси ўзгаришининг таъсири - 0,7 тийин.

2. Маҳсулот таннархи ўзгаришининг таъсири + 16,8 тийин.

3. Улгуржи баҳо ўзгаришининг таъсири -16,7 тийин.

Бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари ўзгариши жами -0,1 тийин.

Демак, бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари икки омилнинг салбий таъсири остида 16,8 тийинга ошган, аммо баҳонинг ижобий таъсири остида (яъни, унинг ошиши туфайли) 16,7 тийинга камайган, натижада, бир сўмлик товар маҳсулоти харажати +0,1 тийинга ошган, оқибатда жами ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти учун қанча ортиқча харажат бўлган? Буни аниқлаш учун, бир сўмлик товар маҳсулоти учун ортиқча харажат сўммасини жами ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти ҳажмига кўпайтириш керак:

$$0,1 \text{ тийин} * 32800705,6 / 100 = 32800,7 \text{ минг сўм.}$$

Демак, 32800,7 минг сўмлик ортиқча харажат содир бўлган.

Ҳар бир маҳсулот таннархи бир неча харажат моддаларини ўз ичига олади. Таннархнинг таҳлили харажат моддалари бўйича ўзгаришини, уларнинг режага ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига баҳо беришини ва ўзгариш сабабларини аниқлаш ҳамда ўшалар асосида таннархни пасайтириш имкониятларини кўрсатишни таққазо этади. Бу эса таҳлилнинг асосий мақсадидир. Таҳлил харажат моддалари бўйича мутлақо ўзгаришни аниқлашдан бошланади. Бунинг учун ҳар бир моддалари харажатлар суммаси бир-бирига солиштириб ўзгариш аниқланади. Бошқача айтганда, ҳар бир модда акс эттирилган ҳисобот йилидаги ҳақиқий харажат сўммасини режада кўзга тўтилган харажат суммасига ёки ўтган йилдаги харажат суммасига солиштириб, мутлоқ ўзгариши аниқланади. Шундан кейин ҳар бир модда бўйича нисбий ўзгаришни аниқланади. Буни аниқлаш учун мутлақ ўзгариш суммасини 100 % га кўпайтириб, режалаштирилган суммасига бўлинади.

Ҳар бир модда бўйича аниқланган мутлақ ва нисбий ўзгаришлар билан бир қаторда таннархнинг таркибий тузилиши ўрганилади. Бунинг учун ҳар бир моддадаги харажатларнинг таннархга нисбатан салмоғи аниқланади. Буни аниқлаш учун ҳар бир моддадаги харажат суммасини 100 % кўпайтириб, натижаси таннархнинг жамига бўлинади. Шундан сўнг ҳар бир модда салмоғи бўйича ўзгариши аниқланади.

Бунинг учун ҳисобот йилидаги салмоғидан базис йилидаги ёки режадаги салмоғини чегириб ташланади. Ҳисобланган мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар асосида таннарх даражасига баҳо берилади ҳамда уни пасайтириш имконини кўрсатади.

Энди, **Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ** да пахта заводида ишлаб чиқарилган пахта толаси бўйича таннархнинг таҳлилига тўхталамиз. (4-жадвал)

1 Нав бўйича 1 тонна пахта толаси таннархнинг таҳлили (2015 йил)

2.4-жадвал

т/р	Харажат моддалари	Режа бўйича		Ҳақиқий		Ўзгариши (+, -)	
		суммаси, сўм	салмоғи, %	суммаси, сўм	салмоғи, %	суммаси, сўм	салмоғи, %
1	Пахта хомашёси	1102,2	92,2	1310,2	93,1	+208,0	+0,9
2	Ўзгариш харажатлари	47,8	4,0	47,8	3,4	-	-0,6
3	Асосий ва қушимча меҳнат ҳақи	10,7	0,9	15,5	1,1	+4,8	+0,2
4	Ижтимоий ва тиббий суғурта	6,0	0,5	3,7	0,3	-2,3	-0,2
5	Умум ишлаб чиқариш харажатлари	28,8	2,4	30,1	2,1	+1,3	-0,3
6	Ишлаб чиқариш таннархи	1195,5	100%	1407,3	100%	+211,8	-

4-жадвалдан кўриниб тўрибдики, 1 тонна пахта толасининг ҳақиқий таннархи 2015 йилда режага нисбатан 211,8 минг сўмга ошган. Ушбу ўзгариш барча моддалардаги харажатлар ҳажмининг ўсиши ҳисобига юзага келган, шулардан 98,2 % фақат пахта хомашёси харид нархининг ошиши ҳисобига содир бўлган:

$$(208,0 * 100 / 211,8 = 98,2 \%)$$

Таннархнинг таркибий тузилишида деярли ўзгариш содир бўлмаган. Хулоса қилиб шуни қайд қилиш керакки, бир тонна пахта толаси таннархини пасайтириш учун пахта хомашёси қайта ишлаш билан боғлиқ харажатни камайтириш чораларини кўриш керак.

2.2. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да фойдани ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади:

1. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа.
2. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан молиявий натижа.
3. Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар

асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши таркибланган.

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар;
- корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган омиллар ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда таҳлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржиналлик шartiда критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг критик даражаси ҳам одатда ушбу қатор бўйича ўрганилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда корхонанинг фойда ёки зарар олмасдан маҳсулот иш ва хизматлар ҳажмини белгилаш даражаси олинади.

Критик ҳажм даражасини қуйидаги формула шаклида ифода этиш мумкин. Бунда бевосита маҳсулотнинг қиймат ифодасидан ёки сотиш баҳосидан келиб чиқилади. Маҳсулотнинг қиймат ифодасини эса қуйидагича белгилаш мумкин.

Маҳсулот қиймати = Ўзгарувчан харажат + Ўзгармас харажатлар + фойда.

Бундан критик ҳажм даражасига юқорида берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги боғланишни бериш мумкин.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ҳажми = Ўзгарувчан харажатлар + ўзгармас харажатлар + 0.

Бу бевосита қийматни иқтисодий категория сифатида белгилашдаги ифодалашнинг ўзидан иборатдир. Яъни

Маҳсулот ҳажми = Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал + Фойда.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши;
- маҳсулот бирлигининг баҳоси;
- маҳсулотлар миқдор ўзгаришлари;
- ўзгармас харажатлар ўзгариши ва ҳ.к.

Энди, маҳсулотлар сотишдан олинган фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш учун қуйидаги 2.5-жадвални келтирамиз, (2.5.-жадвал).

2.5-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

	Кўрсаткичлар	2014 йили боши	2014 йили охири	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	1394779	1641263	+246484	117,67
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	1017940	1326274	+308334	130,29
3.	Маҳсулот сотишдан келган ялпи фойда (1к – 2к)	376839	314989	-61850	83,59

2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ даялпи фойда ҳажми 2014йили охири йил бошига нисбатан 16,41 (100-83,59) % га камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ҳажмини246484 минг сўмга ошиши натижасида ялпи фойда миқдори 65,41% га (246484x100: 376839) ошди.

2.Сотилган маҳсулот таннархни 308334 минг сўмга ортиши эвазига ялпи фойда миқдори 81.82 % га (308334 x100: 376839) камайган.

Шундай қилиб юқорида ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири (+65,41+(-81,82) = - 16,41 %. Бу фоиз эса ялпи фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга тенг (+16,41%) тенг.

Энди, маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.6-жадвал).

2.6-жадвал

Маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Натижавий кўрсаткич-ялпи фойда (1y-2y)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи			
А	Б	1	2	3	4	5
1	-	1394779	1017940	376839	-	
2	1	1641263	1017940	623323	+246484	Соф тушум ошган
3	2	1641263	1326274	314989	-308334	Таннарх ошган
Омиллар баланси:-61850						

2.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ дамаҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажми 2014 йил охири йил бошига нисбатан 61850 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 83,59 % ни ташкил қилган. Соф тушум ҳажмини 246484 минг сўмга кўпайиши ялпи фойдани шу суммага оширди. Ялпи фойда сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ошиши ҳисобига 308334 минг сўмга камайди. Ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири: (+246484)+(- 308334)= -61850 минг сўм.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари

фаолиятдан олинадиган фойдаси киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланади. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатлари ва асосий фаолиятдан олинган бошқа харажатлар чегирилиши, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши тавсия этилган.

Корхонада асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга баҳо беришда давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳамда харажатларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Давр харажатлари дейилганда - бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлари.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларини иш ҳақи харажатлари, иш ҳақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркибланиш ва таҳлил этиш мумкин.

Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратининг хизмати харажатларидир.

Бошқа операцион харажатлари қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни таомиллаштириш, ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча операциондаромадлар ва харажатлардеб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

Корхонанинг асосий фаолиятдан бошқа харажатларига қуйидагилар киради:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари;
- маслаҳат ва ахборот тизимларига ҳақ тўлаш;
- аудиторлик хизматлари учун тўловлар;
- саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари харажатлари;
- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;
- иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган харажатлар, яъни моддий ёрдам;
- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари;
- соғломлаштириш, халқ таълими, ижтимоий таъминот ва шу каби ташкилотларга бадаллар;

- бюджетга мажбурия тўловлар, солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар;

- зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари;

- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;

- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;

- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

- товар-моддий бойликларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган натижалар;

- давлат субсидияларидан даромадлар;

- ҳолисона молиявий ёрдам;

- бошқа операцион даромадлар.

Энди Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ амалий маълумотларидан фойдаланган ҳолда операцион фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (2.7- жадвал).

2.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ даасосий фаолиятдан тушган фойда ҳажми 2014 йилохири йил бошига нисбатан 15796 минг сўмга ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

2.7-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг асосий фаолиятдан кўрилган фойда (операцион фойда) ҳажмининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

	Кўрсаткичлар	2014 йил боши	2014 йил охири	Мутлақ фарқ, (+,-)	Ўсиш суръати, %
1	Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда	376839	314989	-61850	83,59
2	Давр харажатлари	391704	436768	+45064	111,50
3	Асосий фаолиятнинг бошқа операцион даромадлари	15912	138622	+122710	8,7 Марта
4	Асосий фаолиятнинг бошқа операцион харажатлари	-	-	-	-
5	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган фойда (1қ-2қ+3қ-4қ)	1047	16843	+15796	16 Марта

1.Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг 61850 минг сўмга камайиши натижасида асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу суммага камайди.(-)

2.Давр харажатлари ҳажмининг 45064 минг сўмга ортиши эвазига асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу миқдорда камайган.(-)

3.Бошқа операцион даромадлар миқдори 122710 минг сўмга ошган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмини шу суммага оширган.(+)

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган 3 та омилнинг таъсири:

$(-61850)+(-45064)+(+122710)= +15796$ минг сўм. Бу эса асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга (+15796) тенг.

Энди, асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

**Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларини
занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби**

(минг сўм ҳисобида)

Ҳисобнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натيجавий кўрсаткич - операцион фойда [1y-2y+3y]	Олдинги ҳисобга нисбатан фарк, (+,-)
		Ялпи фойда	Давр харажатлари	асосий фаолиятдан келган бошқа операцион даромадлар		
А	Б	1	2	3	6	7
1	-	376839	391704	15912	1047	-
2	1	314989	391704	15912	60803	+59756
3	2	314989	436768	15912	105867	+45064
4	3	314989	436768	138622	16843	-89024
Омиллар баланси: +15796						

Одатда, операцион даромадларни асосий қисми хўжалик шартномасига мувофиқ мол етказиб бериш бўйича шартномаларни бажармаганлиги учун тўланадиган жарима, пеня (ўсим) ҳамда юзага келган зарарларни қоплашдан тушган даромадлар; ҳисобот йили аниқланган ўтган йилдаги фойда миқдори; рента даромади; асосий фондлар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан келадиган даромадлар; тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзлари; корхонанинг ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан ташқари молиявий соҳалар натижасида ҳам фойда ёки зарар олишлари мумкин. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар, бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар қўшилади ва зарарлар айрилади.

Корхоналарни хўжалик ҳамда молиявий фаолиятларидан олинадиган даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, молиявий фаолиятдан юзага келадиган харажатлар улушининг ортиши корхоналарни инқирозга олиб келиши мумкин. Ҳозир молиявий фаолиятдан кўрилган натижаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар якуний молиявий натижаларига кўрсатаётган таъсири бекиёс даражада ошиб бормоқда.

Молиявий фаолиятидан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улиши билан қатнашишидан олинадиган даромадлар, корхонага қарашли акция дивидентлари;

- узоқ муддатга ижарага берилган мулкдан олинадиган даромадлар;
- валюта счёtlари ва операциялари бўйича ижобий курс фарқлари;
- фоизлар бўйича бошқа тўловлар.

Молиявий харажатларга қуйидаги моддалар киради:

- банкга қисқа муддатли кредитлар бўйича тўловлар ва мол етказиб берувчилар кредитлари бўйича фоиз тўловлари харажатлари;

- узоқ муддатга ижарага олинган мулк юзасидан фоиз тўлаш бўйича харажатлар;
- чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар юзасидан зарар ва салбий курс фарқлари;

- сармояланган маблағларни қайта баццолашдан кўрилган зарарлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- -молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига, мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган изоҳлардан олинади.

2.9-жадвалмаълумотлариданкўринибтурибдики,Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖда умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ҳажми 2014 йил охири йил бошига нисбатан 1706 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 113,75 %ни ташкил этди. Жамиятда молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳажми ҳисобот йили боши 11739 минг сўмни, охирида эса 165 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 11574 минг сўмга камайди. Молиявий фаолиятда харажатлар ҳажми эса ҳисобот йили охири 2897 минг сўмдан иборат бўлиб, 2516 минг сўмга ошди.

Умумхўжаликфаолиятидан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖбўйича умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўсиш суръати

Кўрсаткичлар	2014 йил боши		2014 йил охири		Ўзгариши (+,-)	
	фойда	зарар	Фойда	зарар	фойда	зарар
А	1	2	3	4	5 (3-1)	6(4-2)
1. Операцион фойда	1047	-	16843	-	+15796	-
2. Дивидендлар шаклидаги даромадлар	32	-	32	-	-	-
3. Фоизлар шаклидаги даромадлар (харажатлар)	7791	-	-	-	-	-
4. Молиявий лизингдан даромадлар (харажатлар)	-	-	-	-	-	-
5.Валюта курси фаркидан даромадлар (зарарлар)	3916	381	133	2897	-3783	+2516
6.Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (харажатлари)	-	-	-	-	-	-
7.Молиявий фаолият бўйича жами даромадлар (харажатлар) Жами (2+3+4+5+6)	11739	381	165	2897	-11574	+2516
8.Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (1+-7)	12405	-	14111	-	+1706	-

Шуни таъкидлаш керакки, соф фойда миқдори фақат бир асосий фаолиятгагина боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида бир қатор қўшимча фао-лиятлар ҳам мавжудки, уларнинг корхонанинг соф фойдасининг шаклланишидаги ҳиссаси катта. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олина-диган фойда (зарар), тасодифий фойда (зарар)лар киради.

2.10-жадвал

Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Ҳисоблашнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натيجавий кўрсаткич-умумхўжалик фаолиятидан келган фойда, 1ус + 2ус -- 3ус	Олдинги ҳисобга нисбатан фарк, (+, -)	Ўзгариш сабаблари
		операцион фойда	молиявий фаолият бўйича жами даромадлар	молиявий фаолият бўйича жами харажатлар			
А	Б	1	2	3	4	5	6
1	-	1047	11739	381	12405	-	-
2	1	16843	11739	381	28201	+15796	Операцион фойда ошган
3	2	16843	165	381	16627	-11574	Молиявий фаолиятдан тушган даромад камайган
4	3	16843	165	2897	14111	-2516	Молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар кўпайган
Омиллар баланси: +1706							

Корхонанинг солиқ тўлангунга қадар фойда умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага фавқулодда вазиятлардан кўрилган фойдани қўшиш ёки зарар бўлса айириш йўли билан аниқланади.

Фавқулодда фойда (зарар) бу - олиниши кутилмаган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар оқибатида олинган (кўрилган) ғайриоддий хусусиятга эга фойда (зарар)дир. Бунга асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар (харажатлар) кирмайди.

Тасодиқий фойда 3 та мезон талабига жавоб бериши керак:

1.Бир қанча йиллар давомида қайтарилмаслиги.

2.Корхонанинг бошқарув ҳолатлари ёки мулкдорларнинг қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ эмаслиги.

3.Корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятидан ташқари ҳолатлар оқибатида юзага келиши.

Чет эл тажрибасига кўра фавқулодда зарарлар қуйидагилардан иборат:

1.Табиий офат натижасида юзага келадиган катта миқдордаги йўқотишлар.

2.Сиёсий танглик натижасида пайдо бўладиган йўқотишлар.

3.Қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонунларни ўзгартириш натижасида юзага келадиган йўқотишлар.

Шундай моддалар ҳам борки, уларни фавқулодда зарарлар таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласи ташқи муҳитга (об – ҳаво, жуғрофик жойлашиш) боғлиқ. Масалан,

хўжалик юритувчи субъект совуқ бўладиган минтақада жойлашган бўлса, у ҳолда ернинг каттиқ совуқ бўлиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлиши фавқулодда ҳодиса эмас.

Жамиятда ҳисобот йили давомида фавқулодда фойда ва зарар кўрилмаган.

Корхоналарни молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда микдоридир. Шу сабабли ҳам соф фойда микдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмаларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда - корхонанинг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари бўйича, шу жумладан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича аниқланади.

Соф фойданинг шаклланиши ва уни тўғри тақсимлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланишда шундай мақбул тартибни қўллаш керакки, токи у корхона жамоаси ва ҳар бир ходим меҳнатининг корхона жамоаси ва ҳар бир ходим меҳнатининг самарадорлигини оширишга бўлган моддий манфаатдорлигини ўз-ўзидан қучайтирсин.

Корхонада соф фойданинг таркиб топиши, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш усуллари ҳамда соф фойдани тақсимлаш борасидаги ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича айрим тавсияларни келтирамиз. Бунинг учун эса қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз, (2.11-жадвал).

2.11-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг соф фойдасини таҳлили

(минг сўм)

	Кўрсаткичлар	2014 йил боши		2014 йил охири		Ўзгариши	
		сумма, минг сўм	сал- моғи, %	сумма, минг сўм	сал- моғи, %	сумма, минг сўм	Салмо- ғи, %
1.	Солиқ тўлангунга қадар фойда	12405	100	14111	100	+1706	-
2.	Фойда (даромад) солиғи	7063	56,94	9245	65,52	+2182	+8,58
3.	Бошқа солиқлар ва ажратмалар	425	3,42	389	2,76	-36	-0,66
4.	Жами солиқлар (2қ+3қ)	7488	60,36	9634	68,27	+2146	+7,91
5.	Ҳисобот даври соф фойдаси (зарари) (1қ-4қ)	4917	36,64	4477	31,73	-440	-4,91

2.11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ бўйича 2014 йил бошида фойданинг 60,36 %и (56,94+3,42) давлат бюджетига тушган, 36,64 %и эса жамият ихтиёрида қолган. Ҳисобот йили охирида эса бюджетга тўловлар 68,27 % ни (65,52% +2,76%) , соф фойда эса 31,73 % ни ташкил қилган, АЖда ҳисобот йили соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 440 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

1. Солиқ тўлангунга қадар фойдани ўзгариши.

2. Солиқ ва тўловларнинг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.11-жадвал).

**Соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли
алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби**

Ҳисобни тартиб Сони	Алмаштири шни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Соф фойда (1ус-2ус)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+.-)	Ўзгариш сабаблари
		солиқ тўлангунга қадар фойда	жами солиқлар			
A	B	1	2	3 (1-2)	4	5
1	-	12405	7488	4917	-	
2	1	14111	7488	6623	+1706	Солиқ тўлангунга қадар фойда ошган
3	2	14111	9634	4477	-2146	Жами солиқлар ҳажми ошган

Омиллар баланси: -440

Соф фойда маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича ҳам аниқланади.

Соф фойда ҳажмининг 440 минг сўмга камайиши қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берди:

1. Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумни ўсиши корхонанинг соф фойдасини 246484 минг сўмга оширган (2.1-жадвал) ; (+)

2. Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархининг ошиши соф фойда ҳажмини 308334 минг сўмга камайтирган (2.1-жадвал) ; (-)

3. Давр харажатларини ўтган йилга нисбатан ошганлиги соф фойдани 45064 минг сўмга камайтирган (2.3-жадвал); (-)

4. Асосий фаолиятдан олинган даромадларини ошиши соф фойда ҳажмини 122710 минг сўмга кўпайтирган (2.3-жадвал) ; (+)

5. Молиявий фаолиятдан даромадларни камайиши фойдани 11574 минг сўмга камайтирган (2.5-жадвал) ; (-)

6. Молиявий фаолиятдан харажатларни ошиши фойдани 2516 минг сўмга камайтирган (2.5-жадвал) ; (-)

7. Фойда солиғи ва тўловларини кўпайиши фойда суммасини 2146 минг сўмга камайтирган (2.8-жадвал). (-)

Шундай қилиб, барча омиллар таъсирида ҳисобот йили соф фойдасининг умумий фарқи келиб чиқади: $(246484 - 308334 - 45064 + 122710 - 11574 - 2516 - 2146) = -440$ минг сўм.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичини яхшилашнинг ички имкони-ятларини излаб топиш йўллари аниқлаб берадиган энг муҳим иқтисодий воситалардан бири. Бинобарин, молиявий натижаларни омилли таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни ҳисоблаш ҳамда фойда микдорини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари суммасини аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга сафарбар қилишдан иборат.

Таҳлил қилинаётган Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг соф фойда ҳажмини ошириш учун катта имконият бўлган. Ҳисобланган 7 та омилдан 5 тасининг таъсири салбий бўлган. Агар ушбу омиллар 2014 йил бошидаги даражада сақланиб қолинганида эди, соф фойда

суммаси 369634 минг сўмга ошган бўлар эди (308334+45064 +11574+2516+2146). У ҳолда, соф фойданинг умумий ҳажми ҳисобот йили 374111(369634+4477) минг сўмни ташкил қилган бўлар эди. Демак, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар микдори 369634 минг сўмга тенг экан.

Бинобарин, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқиши лозим.

Солиқ тўлангунча қадар фойдани тақсимлаш деганда фойдани давлат бюджети даромадларини ташкил этишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички пул маблағлари фондларини барпо этишга ва уларнинг бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш тушунилади.

Фойдани тақсимлаш аввало, унинг умумий суммасидан алоҳида тартибда давлат бюджетига фойдадан солиқ ҳамда бошқа солиқ ва ажратмалар ажратишни назарда тутди. Солиқлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган соф фойда дивидендлар тўлашга ва захира сармояни тўлдиришга йўналтирилади. Тақсимланмаган қисми бухгалтерия баланси пасивининг 2-бўлими «Ўз маблағлари манбалари» 450-сатри “Тақсимланмаган фойда” да кўрсатилади. Агар корхона зарар кўрган бўлса, шу сатрда зарарнинг ҳали қопланмаган қисми кўрсатилиб, ўз маблағлари суммасининг якуни худди шу суммага камайтирилади (480-сатр).

Фойдани тақсимлаш замирида бутун жамият манфаатларини меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан уйғунлаштириш, уларда ўз фаолиятларини такомиллаштиришдан, фойдани ортиши ва ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий ривожланиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланишдан манфаатдорликни вужудга келтириш ётади. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖда 2014 йил охири бўйича ўртача ҳисобда фойданинг 68.27 %и давлат бюджетига тушган, 31.73 %и эса ташкилотлар ихтиёрида қолган.

Ҳозир давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун молиявий таъминоти барҳам топмоқда. Шу сабабли, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак. Фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш имкони бўлади.

Молиявий ҳисобот таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги молиявий ҳисобот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисобот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

2.13-жадвал 2Б-шакл

Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот

Кўрсаткичларнинг номи	Қатор коди	Ўтган йили	Ҳисобот йили
Соф фойда	010		
Ишлатилиши:			
Қимматли қоғозлар бўйича дарормад тўлаш	020		
Захира сармояни тўлдиришга	030		
Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришга	040		
Ижтимоий соҳани ривожлантиришга	050		
Хайрия мақсадларига	060		
Молиявий қўйилмаларни ўсишига	070		

Корхонанинг ўз акцияларини сотиб олишга	080		
Тўланадиган ижара ҳақи	090		
Суғурта бадаллари	100		
Кадрларни тайёрлаш харажатлари	110		
Кўрилган зарарларни қоплашга	120		
Бошқа харажатлар ва ажратмалар	130		
Жами харажатлар ва ажратмалар йиғиндиси (020 +, 130-сатрлар)	140		
Тақсимланмаган фойда (010 – сатр – 140 сатр),	150		

Раҳбар _____
 Бош бухгалтер _____

2.3. Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ да рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхоналар фаолиятининг якуни рентабеллик - иқтисодий самарадорлик кўрсаткичида ифодаланади. Бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажмини белгилайди

Рентабеллик хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, хўжалик фаолияти натижаларини тўла ва ҳар томонлама тавсифлаб беради. Рентабелли корхоналар ҳамма харажатларини ўз даромадлари билан қоплайдилар ва иқтисодиётни ривожлантириш учун қўшимча фойда яратадилар. Корхоналар ўзлари ҳосил қилган фойда ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий-маданий тадбирлар, ходимларни моддий рағбатлантириш учун маблағ сарфлайдилар

Рентабеллик кўрсаткичлари корхоналарнинг хўжалик фаолиятида бир қанча функцияларни бажаради:

- корхонага қўйилган маблағларнинг қоплаш даражасини кўрсатади. Масалан, корхонанинг рентабеллик даражаси 2 фоиз бўлса, у ҳолда корхонага қўйилган капитал 50 йилдан сўнг қопланади, 4 фоиз бўлса 25 йилдан кейин ва ҳоказо. Ушбу кўрсаткич халқ хўжалигининг алоҳида олинган тармоқлари бўйича ҳам ишлаб чиқиши керак. Шу асосда, рентабеллик бўйича белгиланган меъёрий кўрсаткич муайян корхоналарнинг рентабеллик кўрсаткичлари билан таққосланиши керак. Халқ хўжалиги бўйича рентабеллик даражаси 20 фоиздан кам бўлмаса, мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Шунда корхонага қўйилган капитал 5 йилда қопланади ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун реал имконият яратилади:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавийлаштириш ва уни қайта тиклаш таъминланади;
- олинган кредит ва қарзларни қайтариш, яъни корхоналарнинг тўлов қобилияти таъминланади;
- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий соҳаси ривож топади ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланади.

Рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилишнинг асосий вазифаси - бу бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик кўрсаткичларнинг янги тизимини яратиш, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш эвазига ички имкониятларни ахтариб топиш орқали таҳлил қилинаётган корхона фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари ўргатишдан иборатдир.

Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун ахборот манбалари сифатида молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Рентабеллик кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсадаларидан бири таҳлил қилинаётган иқтисодий кўрсаткичларни ҳолисона ва тўғри баҳолаш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва услубий жиҳатдан асослашдан иборатдир.

Рентабеллик кенг қамровли тушунчалар қаторига кирганлиги боис, унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси хусусида тўлиқ ҳамда мукаммал ҳулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Ўзбекистон Республикаси корхоналар банкротли ва санация масалалари бўйича ҳукумат ҳайъати томонидан 1997 йил 17 апрелда тасдиқланган “Молиявий таҳлил бўйича услубий тавсиялар”да қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: сотилган маҳсулот рентабеллиги, асосий воситалар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, перманент капитал рентабеллиги, жами капиталнинг рентабеллик коэффициенти.

“Харажатлар таркиби тўғрисида...” Низомга асосан қуйидаги рентабеллик кўрсаткичлари тавсия этилган: жами активларнинг рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, хусусий (ўз) капиталнинг рентабеллиги.

2.14-жадвал

Рентабеллик кўрсаткичларни ҳисоблаш усули

№	Кўрсаткичлар	Аниқланиш формуласи	Молиявий ҳисоботда ифодаланиши
1.	Жами активларни рентабеллиги	Соф фойда : активларни ўртача қиймати	<u>2-ш. 270 с</u> 1-ш. 400 с
2.	Жорий активлар	Соф фойда: жорий активларни ўртача қиймати	<u>2-ш. 270 с</u> 1-ш. 390 с
3.	Сотилган маҳсулотни рентабеллиги	Соф фойда: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум	<u>2-ш. 270 с</u> 2-ш. 010 с
4.	Сотилган маҳсулотни рентабеллиги	Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш танархи: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум	<u>2-ш. 020 с</u> 2-ш. 010 с
5.	Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллиги	Маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда: сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танархи	<u>2-ш. 030 с</u> 2-ш. 020 с
6.	Хусусий (ўз) капиталнинг рентабеллиги	Соф фойда: ўз маблағларининг ўртача йилик қиймати	<u>2-ш. 270 с</u> 1-ш. 480 с
7.	Асосий капиталнинг рентабеллиги	Соф фойда: узоқ муддатли активларнинг ўртача йилик қиймати	<u>2-ш. 270 с</u> 1-ш. 130 с
8.	Перманент капиталнинг рентабеллиги	Соф фойда: уз маблағларнинг ўртача қиймати + узоқ, муддатликредитлар + узоқ, муддатли қарзлар.	<u>2-ш. 270 с</u> 1-ш (480+570 +580) с
9.	Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги	Соф фойда: қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати.	<u>2-ш 270 с</u> 1-ш.770 с
10	Солиқ кесими (срез)	Соф фойда: солиқ, тўлагунга қадар фойда	<u>2-ш 270 с</u> 2-ш 240 с
11.	Реал асосий капиталнинг Рентабеллиги	Соф фойда: асосий фонд-ларнинг қолдиғ қиймати + капитал	<u>2-ш 270 с</u> 1-ш (012+100)с
12.	Сармояланган капиталнинг рентабеллиги (самарадорлиги)	Солиқ, тўлагунга қадар фойда + тўланган фоизлар капитали + узоқ муддатли қарз капитали	<u>2-ш. 240+4-ш.110</u> 1-ш. (480+570+580)

Жами активларнинг рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили. Жами активларнинг рентабеллиги даражаси корхоналарнинг асосий фондлар ва айланма маблағлардан фойдаланиш (самародорлик) даражасини кўрсатади. Ушбу рентабеллик даражасининг нормаси аҳамияти 5фоиздан 10фоизгача бўлиши керак. Жами активларнинг рентабеллиги даражаси-корхонанинг бир сўмлик мулкидан неча сўм фойда олганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич корхоналар ўртасидаги рақобат курашида индикаторлик вазифасини ўтайди.

Рақобатбардошлик даражаси таҳлил қилинаётган корхонанинг жами активларнинг рентабеллиги даражасини ўртача тармоқдаги коэффициенти билан таққослаш орқали аниқланади. Жами активларнинг рентабеллиги даражасини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар 1-шакл (Баланс), 2-шакл («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»)дан олинади.

2.15-жадвал маълумотларидан кўринишича Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖда 2014 йили охири жами активларни рентабеллик даражаси 0,21 %ни ташкил қилиб, йил бошига нисбатан -0,01 %га камайди.

Бунга икки омил таъсир кўрсатди :

1. Соф фойда ҳажмининг ўзгариши.

2. Жами активларнинг ўртача микдорининг ўзгариши.

2.15.-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ жами активларининг рентабеллик даражаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	2014 йил боши	2014йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.	Соф фойда (минг сўм)	4917	4477	-440
2.	Жами активлар суммаси (минг сўм)			
	А)йил бошига	2202116	2251924	-49808
	Б)йил охирига	2251924	2086321	-165603
	В)ўртача микдори	2227020	2169122,5	-57897,5
3.	Жами активларни рентабеллик даражаси (1х100:2в), %	0,22	0,21	-0.01

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз (2.16-жадвал).

2.16-жадвал

Жами активларни рентабеллик даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Жами активларни рентабеллик даражаси	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		соф фойда	жами активларни ўртача микдори			
А	В	1	2	3(1х100:2)	4	5
1	-	4917	2227020	0,22	-	
2	1	4477	2227020	0,20	-0,02	1-омил камайган
3	2	4477	2169122,5	0,21	+0,01	2-омил камайган

Омиллар баланси: -0.01

2.16-жадвалдан кўринишича, таҳлил объектида соф фойда ҳажмининг ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 440 минг сўмга камайиши натижасида жами активларнинг рентабеллик даражасини 0,01 % га камайди. Жами активларнинг ўртача микдори ҳисобот

йили боши охирига нисбатан -57897,5 минг сўмга камайиши натижасида эса жами активларнинг рентабеллик даражаси 0,01 % га оширган.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили. Ушбу рентабеллик кўрсаткичи бир сўмлик соф тушумга тўғри келувчи харажат бирлигини кўрсатади. Ушбу рентабеллик даражасининг ўсиши маҳсулот таннархининг пасайиши ва сотилган маҳсулот рентабеллигини ошишидан далолат беради. Сотилган маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичини соф фойдани соф тушумга нисбати тариқасида ҳам аниқласа бўлади. Бунда бир сўмлик сотилган маҳсулот қанча соф фойда бирлигини беришини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткични таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» дан олинади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола этамиз. (2.17-жадвал).

2.17-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” ОАЖнинг сотилган маҳсулотлари рентабеллик даражаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2014 йил боши	2014 йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, минг сўм	1017940	1326274	+308334
2.	Соф фойда	4917	4477	-440
3.	Маҳсулотлар сотишдан тушган соф тушум	1394779	1641263	+246484
4.	Сотилган маҳсулот рентабеллиги (ишлаб чиқариш таннархи бўйича) (1x100:3)	72,98	80,81	+7,83
5.	Сотилган маҳсулот рентабеллиги (соф фойда бўйича) (2x100:3)	0,35	0,27	-0,08

2.17-жадвал маълумотларидан кўринишича ҳисобот йили охири сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси (ишлаб чиқариш таннархи бўйича) йил бошига нисбатан 7,83 %га кўпайди. Бунга икки омил таъсир кўрсатди:

1. Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархини ўзгариши.
2. Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ҳажмини ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.18-жадвал).

2.18-жадвал

Сотилган маҳсулот рентабеллик даражасини (ишлаб чиқариш таннархи бўйича) ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни тартиб сонини тартиб сонини	Алмаштириш тартиб сонини	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Сотилган маҳсулотни рентабеллик даражаси, %	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи	маҳсулот сотишдан тушган соф тушум			
А	В	1	2	3(1x100:2)	4	5
1	-	1017940	1394779	72,98	-	
2	1	1326274	1394779	95,09	+22,11	Маҳсулот таннархи ошган
3	2	1326274	1641263	80,81	-14,28	Соф тушум ҳажми ошган

Омиллар баланси: +7,83

2.18-жадвал маълумотларидан кўринишича, сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш

таннархи 2015 ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 308334 ошиши натижасида сотилган маҳсулот рентабеллиги 22,11 бандга ошган. Соф тушумни 246484 минг сўмга ошиши эса сотиш рентабеллигини 14,28 бандга камайтирган. Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган иккита омилнинг таъсири; $(+22,11) + (-14,28) = +7,83 \%$.

Энди Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖда сотилган маҳсулот рентабеллиги даражасини соф фойда бўйича ҳам занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.19-жадвал).

2.19-жадвал

Сотилган маҳсулот рентабеллик даражасини (соф фойда бўйича) ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни тартиб сонини тартиб сонини	Алмаштиришни тартиб сонини	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Сотилган маҳсулотни рентабеллик даражаси (соф фойда бўйича), %	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+,-)	Ўзгариш Сабаблари
		Соф Фойда	Маҳсулот сотишдан тушган соф тушум			
A	B	1	2	3(1x100:2)	4	5
1	-	4917	1394779	0,35	-	
2	1	4477	1394779	0,32	-0,03	Соф фойдани камайтиши
3	2	4477	1641263	0,27	-0,05	Соф тушумни кўпайтиши

Омиллар баланси: -0,08

2.19-жадвал маълумотларидан кўринишича, таҳлил объектида соф фойда ҳажминини 2014йил охири бошига нисбатан 440 минг сўмга камайтиши натижасида сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси 0,3 бандга камайди. Соф тушумни 246484минг сўмга ошиши эса сотиш рентабеллиги даражаси 0,5 бандга камайтирди.

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган иккита омилнинг таъсири;

$(-0,3) + (-0,05) = -0,35 \%$. Бу фоиз эса сотиш рентабеллигида бўлган фарқга тўғри келади.

Хусусий капитал рентабеллиги ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлили. Ҳозирги шароитда ҳар бир корхона ўз маблағларига эга бўлиши табиий ҳол. Бу айниқса, хусусий тадбиркорлик, ўрта бизнес корхоналари учун ўта муҳимдир. Чунки, улар ўз фаолияти учун мулкни асосан ўз маблағлари эвазига шакллантиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхонанинг ўзига тегишли бўлган маблағларнинг фойдалилик даражасини характерлайди. Ушбу рентабеллик кўрсаткичи бир сўмлик соф соф фойдага тўғри келувчи хусусий капитал миқдорини кўрсатади.

Таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” дан олинади. Таҳлил учун қуйидаги жадвални ҳавола этамиз. (2.20-жадвал).

2.20-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг хусусий капитал рентабеллик даражаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	2014 йил Боши	2014 йил Охири	Ўзгариши (+,-)
1.	Соф фойда, минг сўм	4917	4477	-440
2.	Хусусий капитал суммаси, минг сўм			
	А) йил бошига	941824	959172	+17348
	Б) йил охирига	959172	997261	+38089
	В) ўртача миқдори	959498	978216,5	+27218,5

5.	Хусусий капитал рентабеллиги (1x100:2в), %	0,52	0,46	-0,06
----	---	------	------	-------

2.20-жадвал маълумотларидан кўринишича ҳисобот йили охирихусусий капитал рентабеллиги йил бошига нисбатан 0,06 %га ошган. Бу ўзгаришга икки омил таъсир кўрсатди:

- 1.Соф фойда ҳажмининг ўзгариши.
2. Хусусий капитал ўртача миқдори ҳажмини ўзгариши.

Ушбу омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз,(2.21-жадвал).

2.21-жадвал

Хусусий капитал рентабеллик даражасини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни тартиб сони	Алмаштириш ни тартиб	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Хусусий капитал рентабеллик даражаси, %	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ (+.-)	Ўзгариш сабаблари
		Соф фойда	Хусусий капиталнинг ўртача миқдори			
А	В	1	2	3(1x100:2)	4	5
1	-	4917	959498	0,52	-	
2	1	4477	959498	0,47	-0,05	Ошган
3	2	4477	978216,5	0,46	-0,01	Ошган

Омиллар баланси: -0,06

2.21-жадвал маълумотларидан кўринишича, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖда соф фойда ҳажмини ҳисобот йили охири йил бошига нисбатан 440 минг сумга камайиши натижасида хусусий капитал рентабеллиги 0,05 бандга камайган. Хусусий капиталнинг ўртача миқдорини 27218,5 минг сўмга ошиши эса хусусий капитал рентабеллигини 0,01 бандга камайтирган. Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган иккита омилнинг таъсири; $(-0,05)+(-0,01)=-0,06\%$.

Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллик даражаси. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмини сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш танархиги бўлинади.Таҳлил учун қуйидаги жадвални келтирамиз, (2.22-жадвал).

2.22-жадвал

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг асосий фаолияти рентабеллик даражаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш

№	Кўрсаткичлар	2014 йил боши	2014 йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.	Маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	376839	314989	-61850
2.	Сотилган маҳсулотларни танархи, минг сўм	1017940	1326274	+308334
3.	Асосий фаолият рентабеллиги (1x100:2), %	37,02	23,75	-13,52

2.22-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖнинг 2014 йил бошида асосий фаолияти рентабеллиги даражаси 37,02 % ни, йил охирида эса 23,75 % ни ташкил қилган ҳолда 13,52 бандга камайди. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

Биз юқорида методологик асос сифатида факат мулк рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, хусусий капитал ва асосий фаолият рентабеллиги даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китобини ҳавола этдик.Бундай ҳисоб-китоблар бошқа рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашида ҳам қўлланилиши мумкин.

3-боб. Акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини такомиллаштириш

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи корхона ўз олидига мақсад қилиб ўртача фойда нормасига эришишни қўйар экан, бу мақсадни амалга ошириш аввало, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бугунги кунда пахтани қайта ишлаш корхоналарида пахта хом ашёсини ташиб келтириш ва уни қайта ишлаш жараёнида катта исрофгарчиликларга йўл қўйиш баробарида, корхона ишчи хизматчиларининг иш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги ҳам анча паст даражада қолмоқда. Пахтани қайта ишлаш жараёнидаги исрофгарчиликлар ва ишлаб чиқариш харажатларининг қаятий белгиланган меъёрлари даражаси ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу муаммолар ўз навбатида маҳсулот сифатига салбий таъсир қилган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ошишига олиб келмоқда.

Маҳсулот таннархини камайтириш учун ҳар бир корхона қуйидаги ишларни амалга ошириши зарур деб ўйлайман:

- ҳар бир корхона маҳсулоти таннархини ташкил этган ишлаб чиқариш харажатларини қаятий меъёрини ўз ишлаб чиқариш усулидан келиб чиқиб белгилашлари ва бу меъёрларни бизнес-режасида тасдиқлаб олишлари;
- маҳсулот турларининг кўпайтириш ва уларни сифати устида тинмай изланишлар олиб бориши;
- қабул қилинадиган пахта хом ашёси сифатини ошириш устида тинмай изланишлар олиб бориши ва сифатли хом ашё етказиб берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишлари;
- ишлаб чиқаришда қаятий тежамкорликка риоя этиш, пахта хом ашёсини олиб келиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари устидан назоратни кучайтириш ҳамда моддий жавобгар шахслар маъсулиятини оширган ҳолда уларни ишлаб чиқариш фаолиятдан манфатдорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқариш корхонасига янги, замонавий, тежамли ишлаб чиқариш воситаларини жорий қилиш;
- бошқарувга янги илғор усулларни жорий этиш.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархи қанчалик даражада арзон бўлса, корхона фаолиятдан олиннадиган фойда миқдори ҳам шунчалик даражада кўп бўлади. Корхона фойдаси миқдорининг ошиши, корхонанинг молиявий имкониятларини оширади. Ўз навбатида молиявий имкониятларни ошиши ишлаб чиқариш корхоналарининг моддий техника базасини кенгайтириш, қабул қилинадиган пахта хом ашёси сифатини қаттиқ назорат қилиш ҳамда ишлаб чиқаришга ўз вақтида илғор технологияларни жорий этиш имконини беради. Янги илғор технологияларни жорий этиш эса маҳсулотлар таннархини пасайишига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш, фойда миқдори ошириш муаммоси, ишлаб чиқаришни бошқариш яъни бошқарув ҳисобини ташкил этилиши жараёни билан бевосита боғлиқдир. Самарали ташкил этилган бошқарув ҳисоби маҳсулот таннархини пасайтиришда ва фойда миқдори оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда кўпчилик корхоналарда бошқарув ҳисоби самарали ишламаяпти ёки корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил ишлари самарали ташкил этилмаяпти. Бунга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини даврий ўзгариб туриши ёки тухтовсиз ўсиб бораётганлиги яққол мисол бўла олади.

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ пахта заводида хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларини ҳисобга олишда менимча, ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича аналитик ҳисобни тўғри йўлга қўйиш лозим ва ҳар бир моддий жавобгар жавобгарлигидаги моддий ишлаб чиқариш ресурслари ўстидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарур.

Чунки, ҳисобни бу тарзда ташкил этиш бошқарувни янада аниқроқ ва ишончлироқ маълумот билан таъминлаш билан бирга, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар устидан назорат

ўрнатишни ҳам кучайтириш имконини беради. Назорат ўрнатишни бундай ташкил этилиши,

-биринчидан, вақтинча сақлаш жойларидаги хом ашё ва материаллар ҳамда қайта ишлаш учун берилган пахта хом ашёси ва материаллар ҳисобини аниқ юритиш имконини берса;

-иккинчидан, вақтинча сақлаш жойларидаги пахта хом ашё ва материалларни қолдиғини ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини пасайтириш ва пасайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишда маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тўғри танланган таҳлил объекти ва таҳлил натижасида олинган маълумотлар корхона бошқаруви учун муҳимдир.

Бугунги кунда фаолият юритаётган кўпчилик корхоналар сингари Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ пахта заводида ҳам маҳсулот таннархини таҳлил қилишда мавжуд усуллардан самарали фойдаланилмаяпти ёки таҳлил натижаларидан корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда етарли фойдаланилмаяпти.

Юқорида такидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўз фаолиятини аниқ белгиланган режалар асосида яъни бизнес-режа асосида ташкил этиши зарур. Бу эса корхонани аниқ мақсадга йўналтириш билан бирга корхонага маълум бир вақт оралиғида бажарган ишлари самарасини таҳлил этиш имконини беради.

Яккабоғ “Пахта тозалаш” АЖ пахта заводида ишлаб чиқарган маҳсулотлари таннархини белгиланган тартибда ва даврларда,

- ҳар бир маҳсулот тури бўйича;

- ҳар бир маҳсулот таннархига киритилган харажат моддалари бўйича;

- ҳар бир маҳсулот таннархига киритилган харажатларнинг таркиби, салмоғи бўйича таҳлил ишларини олиб бориши ва харажатлар таркибидаги ўзгаришларга сабабчи бўлган омиллар таъсирини ўрганиб бориши лозим.

Бундан ташқари, маҳсулот таннархини пасайтиришда таҳлил натижаларидан самарали фойдаланиш ва бошқарувда ишлаб чиқаришга доир чора-тадбирларни белгилашда таҳлил натижаларини кенг жорий этиш корхона фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Хулоса ва таклифлар

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни омилли таҳлил қилиш бўйича олиб борилган БМИ натижасида корхонанинг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлашда таҳлил усулларида фойдаланиш юзасидан илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларини таҳлил қилиш усуллари бўйича чоп этилган адабиётлар илмий жиҳатдан ўрганилди. Корхонада молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари кўрсатиб берилди.

2. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодалашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан, ишда корхонанинг молиявий натижаларини шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари тадқиқ қилинди.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи энг муҳим мезон-фойда кўрсаткичидир. Фойда турлари-ялпи фойда, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари фойдаси, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди. Хусусан, маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия этилди. Яккабоғ “Пахта тозалаш” ОАЖда ялпи фойда 2015 йил охири йил бошига нисбатан 61850 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 83,59 % ни ташкил қилган. Ялпи фойда ҳажмининг камайишига сотилган маҳсулот таннархини 308334 минг сўмга ошиши сабаб бўлган.

4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятдан олинадиган фойдаси киритилади. Яккабоғ “Пахта тозалаш” очик акциядорлик жамиятида таҳлил қилинаётган даврда асосий фаолиятдан келган фойдани (операцион фойда) 15796 минг сўмга ошган. Бу ўзгаришга товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг 61850 минг сўмга камайиши, давр харажатлари ҳажмининг 45064 минг сўмга ватошқа операцион даромадлар миқдори 122710 минг сўмга кўпайиши сабаб бўлган. Шу сабабли, ишда операцион фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи ижобий ва салбий омиллар ҳисоб-китоб қилиниб, тегишли амалий тавсиялар берилган.

5. Корхонани умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда (ҳисобот фойдаси) бажарадиган функция орқали молиявий фаолиятдан юзага келадиган фойда (зарар) ўзгариши устидан назорат ўрнатиш мумкин. Ишда умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинган. Яккабоғ “Пахта тозалаш” ОАЖ да умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ҳажми 2015 йил охири йил бошига нисбатан 1706 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 113,75 %ни ташкил этди. Жамиятда молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳажми ҳисобот йили боши 11739 минг сўмни, охирида эса 165 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 11574 минг сўмга камайди. Молиявий фаолиятда харажатлар ҳажми эса ҳисобот йили охири 2897 минг сўмдан иборат бўлиб, 2516 минг сўмга ошди. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ҳажмини кўпайишига асосан операцион фойда ҳажмининг ошиши сабаб бўлган.

6. Корхонанинг солиқ тўлангунга қадар фойдаси асосий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан олинадиган натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича аниқланади. Солиқ тўлангунга қадар фойда давлатнинг ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади. Яккабоғ “Пахта тозалаш” очик акциядорлик жамиятида солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажми 2015 йил охири йил

бошига нисбатан 1706 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 113,75 %ни ташкил этди. Жамиятда ҳисобот йили давомида фавқулодда фойда ва зарар кўрилмаган.

7. Корхоналарни молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда микдоридир. Шу сабабли ҳам соф фойда микдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Яккабоғ “Пахта тозалаш” ОАЖда ҳисобот йили соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 440 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 91.05 %ни ташкил қилган.

8. Омилли таҳлил харажатлар таркибига киритиладиган тўловлар ва ажратмалар микдорини қайси сабаб ҳисобига ўзгараётганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу боисдан тадқиқот ишида корхонада соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва ички хўжалик имкониятларини аниқлаш бўйича омилли таҳлил усули тавсия қилинди.

Жамиятда соф фойда ҳажмини ошириш учун катта имконият бўлган. Ҳисобланган 7 та омилдан 5 тасининг таъсири салбий бўлган. Агар ушбу омиллар 2015 йил бошидаги даражада сақланиб қолинганида эди, соф фойда суммаси 369634 минг сўмга ошган бўлар эди (308334+45064 +11574+2516+2146). У ҳолда, соф фойданинг умумий ҳажми ҳисобот йили 374111(369634+4477) минг сўмни ташкил қилган бўлар эди. Демак, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар микдори 369634 минг сўмга тенг экан.Тавсия қилинган фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо беришимкони бўлади.

9. Фойдани тақсимлаш замирида бутун жамият манфаатларини меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан уйғун-лаштириш, уларда ўз фаолиятларини такомиллаштиришдан, фойдани ортиши ва ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий ривожланиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланишдан манфаатдорликни вужудга келтириш ётади. Яккабоғ “Пахта тозалаш” ОАЖ бўйича 2015 йил бошида фойданинг 60,36 %и (56,94+3,42) давлат бюджетига тушган, 36,64 %и эса жамият ихтиёрида қолган. Ҳисобот йили охирида эса бюджетга тўловлар 68,27 % ни(65,52%+2,76%) , соф фойда эса 31,73 % ни ташкил қилган.Ҳозир давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун молиявий таъминоти тугабормокда. Шу сабабли, корхона ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак.

10. Молиявий ҳисобот таҳлил талабларига жавоббериши керак. Хусусан, “Молиявий натижалар тўғриси-даги ҳисобот”да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги молиявий ҳисобот шакли “Соф фойдани тақсимланиши тўғрисидаги ҳисобот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

11. Инқироз шароитида фойданинг мутлақ микдори корхоналарнинг хўжалик юритиш борасидаги самарадорлик даражасини ҳар томонлама белгиламайди. Шу боисдан нисбий кўрсаткичларни – рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш лозим. Рентабеллик-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичида ифодаланади. Шу боисдан тадқиқот ишида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мазмуни, мақсади ва вазифалари кўрсатиб берилди.

12. Рентабеллик кўрсаткичларини иқтисодий таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсадларидан бири таҳлил қилинаётган иқтисодий кўрсаткичларни ҳолисона ва тўғри баҳолаш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишдан ҳамда уларни назарий ва услубий жиҳатдан асослашдан иборатдир.Шу боисдан, тадқиқот ишида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва назарий жиҳатдан асосланган таснифи асосида уларни таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинди

13. Битирув малакавий ишида корхонада рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлилнинг махсус усуллари орқали

аниқлаш йўллари, уларнинг ечими ҳамда натижа кўрсаткич даражасини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилган. Методологик асос сифатида жами активлар рентабеллиги, хусусий капитал, сотилган маҳсулот ва асосий фаолият рентабеллиги кўрсаткичларини омилли таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: Адолат, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. –Т.: Адолат, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. 2006 йил 23 март. // “Халқ сўзи”. 2006 йил 24 март, №57, 1 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Корхона ва ташкилот раҳбарларининг халқ хўжалигидаги ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказиш учун жавобгарликларини ошириш борасида чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 12 майдаги ПФ- 1154-сон Фармони. 1999 йил 19 июл.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2003 йил 20 июн ПФ-3267-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 14 июндаги ПФ-3618-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ҳамда савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2002 йил 13 ноябрь. 390-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2003 йил август. 368-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нооziқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2003 йил 28 июл.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни солиштиришни ўтказиш тўғрисида”ги қарори. 1998 йил 4 август. 129-сон.

II. Президент асарлари:

13. Каримов И. А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш–устувор мақсадимиздир”. Тошкент–“ЎЗБЕКИСТОН”–2010.
14. Каримов И. А. “Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Тошкент–“ЎЗБЕКИСТОН”–2010.
15. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 й.
16. Ислон Каримов. “Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир”.– Т.: “Ўзбекистон”. НМИУ, 2007.
17. Каримов И.А. “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш. – Ўзбекистон мустақамлашнинг асоси. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

III. Соҳага оид меъёрий хужжатлар:

18. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. 5.02.1999 №54 сон. Бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциациясининг нашриёт маркази. Т.,2001 .
19. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎЗР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

IV.Асосий адабиётлар:

- 20.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. "Молиявий ва бошқарув таҳлили". –Т.: ТДИУ. 2010.
- 21.Васильева Л.С., Петровская М.В. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.
- 22.Маркарьян Э.А. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.
- 23.Донцова А.В.Никифорова Н.А. «Анализ финансовой отчетности». М: Дело и Сервис 2009.
- 24.Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. «Финансовый анализ». М. : ЮНИТИ. 2009.
- 25.Войтоловский Н.В. «Комплексный экономический анализ предприятия». –Спб.: Питер, 2009 .
- 26.Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». -М.: Инфра-М. 2009.
- 27.Савицкая Г.В. «Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности». –М.: Инфра, 2009.
- 28.Басовский Л.Е. «Экономический анализ». –М.: Риор. 2009.
29. Гинзбург А.И. «Экономический анализ». –Спб.: Питер, 2008.
30. Шеремет А.Д. Р.С.Сайфуллин. «Методика финансового анализа» – М.: ИНФРА-М. 2007.
31. Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. "Бошқарув таҳлили". –Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2005.
32. Ваҳобов А. В. ва бошқалар. "Молиявий ва бошқарув таҳлили". -Т. ; Шарқ. 2005.
- 33.Ергешев Е.Е. "Иқтисодий ва молиявий таҳлил". –Т.: Консаудитинформ. 2005.
34. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. "Иқтисодий таҳлил назарияси". –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси. 2005.
35. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. "Иқтисодий таҳлил". -Т.: Меҳнат. 2004.
36. Акрамов Э.А. "Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили". – Т.: Молия. 2003.

V.Қўшимча адабиётлар:

37. Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчетность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.
38. Бердникова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. –М.: Инфра-М., 2010 .
39. Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчетность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.
- 40.Розанова Н.М, Зороастрова И.В. «Экономический анализ фирмы и рынка». – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2009.
41. Алексеева А.И.Васильева Ю.В.»Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности».-М.: Омега-Л.2009.
- 42.Барлиенко В.И. «Анализ хозяйственной деятельности». –М.: Омега-Л. 2009.
43. ЧуевИ.Н., ЧуеваЛ.Н.«Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности». –М.: Инфра .2008.
44. Просветов Г.И. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Задачи и решения». – М.: РДЛ. 2008.

45. Савицкая Г.В. «Анализ эффективности и рисков предпринимательской деятельности». М: ИНФРА. 2008.
46. Артёменко В.Г., Останов В.В. «Анализ финансовой отчетности». –Мю: Омега –Л. 2007.
47. Титов В.И. «Анализ и диагностика финансово хозяйственной деятельности предприятия». –М.: «Издательский дом Дашков И К». 2007.
48. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. “Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2003.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўплamlар ва ҳисоботлар:

49. Солиқ ва божхона хабарлари. – Т., Молиявий-иқтисодий газета.
50. Иқтисодчи. – Т., Тошкент Давлат иқтисодиёт университети газетаси.
51. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., Илмий-амалий иқтисодий журнал.
52. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2009 йилдаги асосий кўрсаткичлари. –Т, 2010.
53. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йилдаги асосий кўрсаткичлари. –Т, 2009.
54. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи маълумотлари.

VII. Интернет сайтлари:

55. www.pravo.eastink.uz- (Сборник экономических законодательств).
56. www.iaa.org.uk- (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom).
57. www.gov.uz- (Новости правительства Узбекистана).
58. www.fr.ru – (Финансовая академия при правительстве Российской Федерации)